



Маънавий меросимиз дурдоналарининг каттагина кисмини ислом маданияти ва манбашунослиги обидалари ташкил этади. Маълумки, мана шу маданиятнинг кадимдан шаклланган ижобий анъаналари мавжуд. У ёки бу муаллифларнинг илмий салохияти натижасида яратилган айрим асарлар маълум давр ўтиши билан бошқа минтака ва бошқа давр олимларини ўзига жалб этган. Кейинги давр олимлари ўша асарнинг умумий ўзига хослигини саклаб қолган ҳолда уни ижобий ўзлаштирган.

Ушбу анъана натижасида бир туркум асарлар юзага келган. Буни юр-тимиздан етишиб чиққан кўплаб буюк алломалар, жумладан, Махмуд Замахшарий ижодида муҳим ўрин тутган “Мукаддамату-л-адаб” (“Адаб илмига кириш”), “Атвоку-з-захаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” (“Ўғит ва насихатларнинг олтин шодалари”) каби асарлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Махмуд Замахшарий илмий меросининг том маънодаги илмий тадқиқи мустақиллик йилларидагина амалга оша бошлади. Ислом маданиятига улкан ҳисса қўшган, хусусан, минтака илмий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган олимнинг етмишдан ортиқ асарлар яратганлиги илмий тадқиқотлар натижасида аниқланди. Бу улкан илмий меросни ўрганиш борасида юртимизда маълум илмий салохиятга эга бўлган замахшарийшунослик мактаби ҳам шаклланди. Замахшарий асарлари юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар кейинги давр олимларининг ижодий ҳамда маънавий ҳаётига унумли таъсир этганлиги намойён бўлмоқда. Устоз ва шогирдлик анъанасига мувофиқ олимнинг “Кашшоф”, “Муфассал фи санъати-л-иъроб”, “Унмузаж” каби нодир асарларига турли даврларда етук олимлар томонидан мукаммал шарҳ ва хошиялар битилган, улар асосида янги асарлар яратилган.

Махмуд Замахшарийнинг мана шундай асарлари сирасига “Атвоку-з-захаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” асарини киритиш мумкин. Маълумки, Замахшарий 1130 йиллар атрофида

Маккага сафар килади, жисмоний камчилигига карамай, Каъбани юз маротаба тавоф килади ва хар бир тавофдан сўнг бир макола ёзади. Шу тарика юз маколалардан иборат панд-насихатга оид мазкур асар юзага келади. Араб насрининг кадимий илмий услуги хисобланмиш сажъда ёзилган ушбу асар тилининг ниҳоятда гўзаллиги, услубининг киска ва лўндаллиги, таъбирининг аниқлиги билан ажралиб турган. Асар айрим манбаларда “Насоиху-с-сигар” (“Кичикларга насихатлар”) деб ҳам кўрсатилган. Муаллиф араб адабий тилининг тенгсиз билимдони сифатида асарда бадиий тасвир воситалари ҳамда санъатларидан жуда кенг фойдаланган. Панднома, насихатнома сифатида юзага келган ушбу асарда ўз даврининг ижобий жихатлари улугланиб, ижтимоий ҳаётдаги салбий иллатлар кораланади, уларнинг олдини олиш йўллари кўрсатилади, маслаҳатлар берилади. Асар ўз даврида канчалар аҳамият касб этган бўлса, ҳозирда ҳам аҳамияти камайган эмас. У айниқса ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

“Атвоку-з-заҳаб”нинг илмий аҳамияти боис, кейинги давр олимлари асардан кенг истифода этганлар ва унинг замирида кўплаб асарлар яратганлар. Турли ҳудудларда яшаб, ислом маданияти ривожига ҳисса қўшган олимлар, жумладан, Шарафиддин Исфакхоний, Муҳаммад Амин ибн Иброҳим Ҳанафий Кодирӣ, Аҳмад Шавкий, Мирза Юсуфхон ибн Ёътисом Маликлар “Атвоку-з-заҳаб”дан таъсирланиб алоҳида нодир асарлар ёзиб қолдирдилар.

XIII асрда яшаб ижод этган олим Шарафиддин Исфакхонийнинг “Атвоку-з-заҳаб” ала гирари “Атвоку-з-заҳаб” (“Атвоку-з-заҳаб”га ўхшаш олтин ликобчалар”) асари айнан юқоридаги асар таъсирида ёзилган. Олим “Атвоку-з-заҳаб” мақолалари мавзулари доирасида ўз даври ижтимоий ҳаётдан келиб чиқиб асар мақолаларини шакллантирган. Ёътиборли жихати шундаки, “Атвоку-з-заҳаб”нинг хар бир мақоласи Қуръони қаримнинг шу мавзуга оид оятлари билан яқунланган. Асар айни Маҳмуд Замаҳшарӣ услубида юксак савияда ёзилган. Лекинолим Замаҳшарӣ каби киска баён услубини танламаган. Мақолалар “Атвоку-з-заҳаб”га қараганда кенгрок ҳамда матни узунрок берилган. Бу эса ўз навбатида асар матнининг “Атвоку-з-заҳаб”га қараганда қаттарок бўлишига олиб келган.

Иккала асарнинг алоҳида мустикал манба бўлиши билан бирга уларнинг бир-бирини мазмунан тўлдиришини қуйидаги қиёсий таҳлилда ҳам қўзатиш мумкин. Жумладан, муаллиф “Атвоку-з-заҳаб”да: “Ёй инсон фарзанди, аслинг лой ва сополдан бўлишига қарамай, гоҳ ота-боболаринг, гоҳида бойлигу иқболинг билан фахрланиб такаббурланасан-а?! Аждодларингга қувониб, ўзгаларни менсимай юришинг сенга лойик сифатлардан эмас. Дўстим, ўзинг фикр қил. Охириги уловинг ёғоч от ва вужудинг тупрокка айланадиган бўлганидан кейин ҳовурингдан тушгин ва қибру ҳаводан узокрок юргин-да!” деб ёзади[1].

Айнан шу мазмундаги мақола “Атвоку-з-захаб”да куйидагича берилган:

“Эй сополдан ясалган, хомиладорлик ва тугилишлик хусусияти билан яралган инсон боласи! Сенга гўзал хулқлар ато этилган. Гўзал хислатлар Раҳмоннинг марҳамати эканини у қаердан билсин. У инсон касб қилган нарсаси эмас. Ҳар бир ҳаракат Аллоҳнинг инъомидир. Ва ҳар бир нафс ҳам Аллоҳнинг инъоми. Агар Аллоҳ хоҳласа, инсоннинг нафсини ҳидоят югани билан жиловлайди. Агар хоҳласа, ўз ҳолига ташлаб қўяди, унда қим ўз нафсини саклай билади. “Айтиш: Агар (Аллоҳ) сизларга бирор зарар (етказиш)ни истаси ёки У сизларга бирор манфаат (етказиш)ни истаси, бас, қим сизлар учун Аллоҳ (томони)дан бўлган бирор нарсани (даф қилиш)га эга бўла оларми?!”[2]. Демак, Шарафиддин Исфаҳоний Маҳмуд Замахшарий фикрини маълум мазмунда давом эттиради ва мақола мазмунини Қуръони каримнинг “Фатҳ” сураси 11-оятини билан яқинлайди.

“Атвоку-з-захаб”га бўлган қизиқиш XIX асрда янги бир асарнинг яратилишига сабаб бўлди. Юқоридаги ҳар иккала асар билан яқиндан танишган Муҳаммад Амин ибн Иброҳим ибн Юнус ибн Ёсин Мавсилий Ханафий Кодирий 1807 йили уларга тақлидий ёндашган ҳолда “Ахлоку-з-захаб” – “Олтин хулқлар” асарини яратди (3). Ушбу асар усмонлилар сулоласининг вакили Султон Салим III нинг катта вазири Али Пошшага бағишланган. Асар жами 75 мақоладан иборат қилиб тузилган. Унинг ягона нусхаси Хиндистондаги Патна қўлёзмалар фондида 2683 сакланиш рақами остида рўйхатга олинган.

Қўлёзманинг бошланиш қисмида асарнинг фихристи берилган, унда барча мақолаларнинг номи келтирилган. Юқоридаги икки асардан фарқли равишда “Ахлоку-з-захаб” нинг мақолалари муайян ном билан аталган. Асар муқаддима билан бошланган. Унда асарнинг моҳияти, ёзилиш тарихи, номланиши ҳақидаги батафсил маълумотлар берилган. Мақолаларнинг мавзулари барча даврлар учун муҳим бўлган долзарб масалаларга бағишланган. Жумладан, инсонларга раҳмдиллик қилиш ва қибрни йўқотиш, инсоннинг ожизлиги ва тақаббуриликни йўқотиш, қалбни тарбиялаш ва ислоҳ қилиш, солиҳ ва фосиқ олимлар, хирсдан сакланиш, яқиндан танишган Муҳаммад Амин ибн Иброҳим ибн Юнус ибн Ёсин Мавсилий Ханафий Кодирий 1807 йили уларга тақлидий ёндашган ҳолда “Ахлоку-з-захаб” – “Олтин хулқлар” асарини яратди[3]. Ушбу асар усмонлилар сулоласининг вакили Султон Салим III нинг катта вазири Али Пошшага бағишланган. Асар жами 75 мақоладан иборат қилиб тузилган. Унинг ягона нусхаси Хиндистондаги Патна қўлёзмалар фондида 2683 сакланиш рақами остида рўйхатга олинган.

Кўлёманинг бошланиш кismiда асарнинг фихристи берилган, унда барча маколаларнинг номи келтирилган. Юкоридаги икки асардан фаркли равишда “Ахлоку-з-захаб” нинг маколалари муайян ном билан аталган. Асар мукаддима билан бошланган. Унда асарнинг мохияти, ёзилиш тарихи, номланиши хакидаги батафсил маълумотлар берилган. Маколаларнинг мавзулари барча даврлар учун мухим бўлган долзарб масалаларга багишланган. Жумладан, инсонларга рахмдиллик килиш ва кибрни йўқотиш, инсоннинг ожизлиги ва такаббурликни йўқотиш, калбни тарбиялаш ва ислох килиш, солих ва фосик олимлар, хирсдан сакланиш, саодатмандлик ва бахтсизлик аломатлари, тилнинг офати, сукутнинг афзаллиги, ортикча гапни эшитишнинг кораланиши, ризкдан ортикча бўлган нарсанинг талабида килинадиган саёхатнинг кораланиши каби мавзулардан иборат.

Маълумки, Мухаммад Аминнинг “Ахлоку-з-захаб” асари Махмуд Замахшарийнинг “Атвоку-з-захаб”и асосида шакллантирилган. Бунини асарлар маколаларининг киёсий тахлилида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, “Атвоку-з-захаб”нинг учинчи маколасида Замахшарий:

“Умринг елдек ўтмоқда. Сен эса неча асрлар яшамокчисан? Бу ўткинчи сояга ишониш ва калта фикрликдан хосил бўладиган гумрохликдир. Зеро, бу умр бир куннинг ёруглигичадирки, уни ганимат билмок ёки бир туннинг коронгулигичадирки, уни бедорликбилан ўтказмок керак. Бинобарин, сен отини камчилаб то сўлим манзилга етиб бормагунча харакатдан тўхтамайдиганларга эргашгин”, деб ёзади. Мухаммад Амин эса “Ахлоку-з-захаб”нинг “Кўркитиш, охиратга тайёрланиш, рихлат сабабли орзуни кискартириш ва рихлатга хозирлик кўриш” хакидаги маколасида:

“Эй магрур! Дунё алдов матосидан ўзга нарса эмас. Дунё сени йўлдан уриши ва алдаб кўйишидан ва унинг ўткинчи беағи, зарарларидан саклан.

Билгинки, дунё фонийдур. У бир гўзал суратдаги ёкимсиз кампир. Гохи сенга якинлашиб пастга ташлайди, гохи сенга интилиб етиб боради. Бир марта сени ўстиради, ривожлантиради ва бир марта сени йўк килади. Ўз макри билан ўлимни эсингдан чиқаради ва ўз хоинлиги билан йўқликни сенга эга килади.

Аник билгинки, дунё фожир, ташлаб кетгувчи маккора, ўз захрини сенга асал билан ичиради, сени бешикдан кабргача кўчиради, мункар (инкор килинган) феълларга сени тарғиб килади, яхши амаллардан сени кайтаради.

У дўст сийратидаги душман, содик сувратидаги ёлгончи, рахмдил она холидаги жирканчли, кадрдон хулкидаги мунофик, у тикан, у эски буюм бўлаги, у кўркам кўринишдаги жодугар, у эски шароб мазасидаги озука.

Дунёдан йўлбарсдан кочгандай коч! Жуда ҳам кўп солих амалларни ўзингга лозим деб бил. Гайрат енгини шимар. Максад ва матонат белбогини богла ва боглаганда ҳам камарни мустахам богла.

Яхшилик ва доноликка шайлан ва охират учун тайёргарлик кўр. Охиратдан манзил эгаллаб, эзулик ва пархезкорлик касб этгин. Орзу-умидни тўхтатиб, ажалга шошил ва охиратга хозирлан, ажал белгиланган вақтдан кечиктирилмаслигини ва у хохлаганда келишинитатбик кил ва ёдингдан чиқарма. Йил ва оининг ўтиши-ю, дунё хаёти ва ёлгонлар сени Аллохдан алдаб, адаштириб кўймасин”, деб таъкидлайди. Демак, Мавсий Махмуд Замахшарийнинг содда, ихчам кўринган фикрларини батафсил очади

ва уни омма учун тез англанадиган шаклга келтиради.

“Атвоку-з-захаб” силсиласидаги асарлар сирасида унга илмий тадқиқот сифатида ёндашилган, илмий-адабий аҳамиятга эга бўлган асар “Калоиду-л-адаб фи шархи “Атвоку-з-захаб” – “Олтин шодалар” шарҳига бағишланган адаб дурдоналари” асари ҳам мавжуд[4]. Асар муаллифи, ўз даврининг етук адабиётшуноси ва таржимони Мирза Юсуфхон ибн ʼЭътисом Аштиёний юкоридаги икки асарни ўрганиб, уларни илмий таҳлил қилган. Хар бир мақоланинг матнидан сўнг ундаги тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг араб тилидаги изоҳи берилган. Асар Табризда 1319/1901 йили яқунланган.

Махмуд Замахшарийнинг “Атвоку-з-захаб” ҳамда Шарафиддин Исфохонийнинг “Атбоку-з-захаб” асарлари араб мусулмон дунёсида ҳам шухрат топган. Бунинг натижаси ўларок, мисрлик олим Аҳмад Шавкий 1951 йили “Асвоку-з-захаб” – “Олтин бозорлар” асарини ёзади.

Асар мукаддима билан бошланган, унда муаллиф Замахшарийнинг “Атвоку-з-захаб”, Исфохонийнинг “Атбоку-з-захаб” асарларини ўрганганлиги ва уларнинг илмий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда матнларини нашр эттирганлигини ёзади. Мана шу икки китобдан таъсирланган ҳолда муаллиф уларнинг услубида янги асар ёзганлиги ва уни “Асвоку-з-захаб” деб номлаганини айтилади[5]. Бу китобда XX аср ўрталаридаги араб дунёси, хусусан, Миср ҳаётида муҳим саналган воқеа-ҳодисалар, тушунчалар, жумладан, ватан, номаълум асар, Сувайш канали, эсдалик, қуёш, ўлим, ўсмирлар, яхшилик, зулм, қалб, ёлгон гувоҳлик, сабр, эҳромлар, озодлик, уммат, конституция қаби жамият ишлари ва аҳоли, инсоннинг сифатлари, ишлари, унинг ўзи яшаган замон ва қишлоқ билан муносабати, ўзи яшаб ўтган қунардан чиқарган ҳулосалари, ҳаётда тўплаган тажрибалари, араб тилидаги сўзларнинг маънолари ҳамда услубларига ҳос сўзлар таҳлил қилинади. Ушбу сўзларни ўзлаштирган инсоннинг зехни ўткирлашади, ақл-идроқи ошади, деб таъкидлайди муаллиф. Асарнинг асосий қисми “ал-ҳақиқа ал-ваҳида” яъни “ягона ҳақиқат” номи қасл билан бошланади. Бу қисм ўқувчига мурожаат сифатида шакллантирилган. Жумладан, муаллиф ёзади:

“Эй инсон, осмонга назар сол. Сен фалакнинг қардишини қўряпсанми? Ундаги нурга назар солиб қўр! Ва мана бу осмонга ҳам нигоҳ ташла! Самода ўқиб юрган қушларга ҳам қара! Улардан ибрат ол!

Мана шуларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг қорлиғига қалолат қилади. Сен ўзинг турган ерга ҳам қара. Булуқларга ҳам қара, уларнинг сузиб қоришини тафаккур қилиб қўр. Шамол ҳақида ҳам ўйлапсанми? Тоғларни қим бундай қолатга қелтирган? Қим уни қратган? Қумолига ҳам бир қарайин. Уни қим қратган? Уни қим бундай муқаммал қилган? Унга қим қизқу қасиба беради? Қсаларига ҳам қара! Уни қим қулардан қизқлантиради? Ва қсалини инсонга беришини қарайин. Буларнинг ҳаммасини қим қратган?

Авваламбор, менга шуни айтқи: “Қим табиатни қратди? Ундаги тартиб ва қонуниятларни

ким тартибга солиб кўйди? Хаётни ким яратди? Ким барча ҳаракатларни яратди?!”

Шундан сўнг муаллиф ватан ҳақидаги шеърини келтиради. Ватанни севиш ва унинг йўлида жон фидо қилиш ҳар бир кишининг бурчидир, деб ватан васф қилинади. Ватан сен тугилган, хотирлар жам бўладиган, ота-боболар ва аجدодларинг ўтган муқаддас жой, деб таъкидлайди муаллиф. Асарда яхшилик, эзгулик, инсонийлик каби фазилатлар “Яхшилик” ва “Зулм” бўлимларида изоҳланади.

Аҳмад Шавкий асарнинг “Яхшилик” деб номланган қисмида инсонларни эзгуликка қорлаш, улар ўртасида яхши муносабатлар ва яхши муомалалар бўлиши кераклиги, кишиларни хурсанд қилиш, уларнинг кўнглига шодликни жо этиш каби инсоний фазилатлар ҳақида фикр юритиб, қуйидаги жумлаларни келтиради:

“Яхшилик – кўриниши чиройли, соясида дам олса бўладиган, тепаларида қушлар товуши эшитилиб турадиган, шохлари йўлга эгилган бир дарахт. Унинг шохларида турфа қушлар жам бўлади, қушлар унга охиста кўниб дам оладилар ва яна ундан қийналмай аста-секин ўчиб кетишади, соясида одамлар роҳатланади, кетаётганларида Яратганга шукрона айтадилар...”. Бирок, яхшиликка доимо яхшилик билан жавоб берилмаслиги маълумотларга ҳосили, билимли, қомил инсонлар эзгуликка эзгулик билан жавоб бериши зарурлигини таъкидлайди ва: “Инсонлар эса, унинг меъвасига эҳтиёт бўлишмайди, унга яхши қарашмайди, илдизларини шафқатсизларча қўпорадилар, шохларини қаттиқ силкитадилар, қалтак билан меъваларини қоқадилар, тош отиб меъваларини туширадилар ва уларни йиғиб олиб, дарахтнинг ўзини маломат қилишади. Меъваларини териб ейдилар, ҳам урадилар, ҳам лаънатлайдилар, дарахтни эса ҳақорат қиладилар”, дея зорланади.

Асарнинг “Зулм” деб номланган қисмида муаллиф инсонларнинг бир-бирларини ҳафа қилишлари, қалбларига шикаст етказишлари, дилозорлик энг ёмон инсоний қусурлардан, деб таърифлайди. Бировни ҳафа қилиш, қўчатиш ё қўрқитиш орқали азият беришни қатта қўноқ санайди ва уни ўз асарида қуйидагича баён этади: “Зулм – шиддатли, қазабда қаддан ошса ҳам ўмири қисқа ўтмас қўролдир. У – қазаги билан қекқайган, ҳалокатли қаён ва қасрода тезда қарча-қарча бўлиб қетадиган ёки тошлар атрофида айланиб йўқ бўлиб қетадиган қўчли қамол, то бирор тошга қориб қокилмақунча ёки бирор қуқурга қориб қуламақунча эқасига бўш қелмайдиған, минған қиши унингёмонлиғидан ўзини йўқотадиған асов от ва яна у қутурған қелдиқки, йўлидан қикқан тепалиқларнинг қувилишига сабаб бўлади. У бузилиб қетай деб турған девордиқки, унинг йикилиб қетишидан қўплар қўрқадилар”.

Ахмад Шавкий зулмнинг жирканч кифасини ўхшатишлар, ташбехлар оркали тасвирлайди. Халк орасида чаённи “оти йўк” деб атайдилар, чунки унинг захарли ниши инсонга канчалар зарар етказса, унинг номи шунчалар ёкимсиз. Бу ўринда муаллиф зулмни чаёнга ўхшатиб, унинг жуда ҳам ёмонлигини, шиддатли душманлигини, захри чукур из колдиришини ўта усталик билан айтиб ўтади. Асарда зулмкор кишилар икки дунё саодатига эриша олмаслиги хақидаги теран фалсафий карашлар аник ва ёркин сатрларида баён этилиб, инсон ёмонликдан узоклашгани сари хақикий инсонлигини англайди, деган ажойиб фикр илгари сурилади.

Демак, Махмуд Замахшарий ўзининг буюк илмий салохияти билан ислом маданияти, манбашунослиги ривожига салмокли хисса қўшди ва машхур “Атвоку-з-захаб” асарини яратди. Бу асар ўзининг мукамаллиги, омма орасидаги шухрати, жамият ҳаётидаги ахамияти боис кейинги давр олимларининг диққатини ўзига тортди ва улар томонидан айнан шу асарга ўхшаш ёки шу асар мавзулари доирасидаги асарларнинг яратилишига олиб келди. Бунинг натижаси ўларок, арабийзабон манбашунослигимиз тарихига ноёб дурдоналар сифатида қўшилган, лекин шу вақтга қадар махсус тадқиқ этилмаган Эронда Шарафиддин Исфохонийнинг “Атбоку-з-захаб”, Туркияда Мухаммад Амин ибн Иброҳим ибн Юнус ибн Ёсин Мавсилиий Ханафий Кодирийнинг “Ахлоку-з-захаб”, Мисрда Ахмад Шавкийнинг “Асвоку-з-захаб” асарлари яратилди. Бу асарлар ислом манбашунослигининг ноёб дурдоналари саналади ва уларнинг ўрганилиши маданиятимиз тарихини муҳим маълумотлар билан бойитади.

[1]Махмуд Замахшарий. Атвоку-з-захаб. Қўлёзма.-ЎзРФАШИ □ 4877. -В. 68.

[2]Шарафиддин Исфохоний. Атбоку-з-захаб. Қўлёзма.-ЎзРФАШИ □ 4877. -В.5.

[3]Мухаммад Амин Кодирий. Ахлоку-з-захаб. Қўлёзма.-Хиндистон. Патна фонди. □ 2683.

[4]Мирза Юсуфхон Аштиёний. Калоиду-л-адаб фи шархАтвоку-з-захаб. -Миср, 1321/1903.

[5]Ахмад Шавкий. Асвоку-з-захаб. -Кохира, 1951.

Муаллиф: Зоҳиджон Исломов,
филология фанлари доктори, профессор.